

**“БАХТ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани,  
Бахт шаҳри, Улуғ йўл кўчаси, 78-уй

2025 йил 16 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Улуғ йўл кўчаси, 78-уйда “Бахт пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг биринчи қавати жамият ижроия органи офиси.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **9:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:00**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 241 212.

“Бахт пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида –Йиғилиш), “Бахт пахта тозалаш” АЖ (келгусида матн давомида – Жамият) жамият бош директорнинг 2025 йил 02 майдаги 30-сонли таклиф хати инobatга олиниб, кузатув кенгашининг 2025 йил 17 майдаги туртинчи сонли баённомасида қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 12 июнь.

Жамият акциядори Сулайманов Абдусалом томонидан йиғилиш раёсатини сайлаш ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Сулайманов Абдусалом - “Сирдарёпахтасаноат” ХАБ ишончли вакили;
2. Джўраев Махмуд – жамият ижроия органи раҳбари.

Санок комиссияси таркибига акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

1. Дехконов Баҳром – акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи;

2. Пардаева Раъно – иш ҳақи ҳисоблаш бўйича ҳисобчи;

3. Калмурзина Зинера Ильнична – бош ҳисобчи ўринбосари

Йиғилиш раёсати аъзоси Джўраев Махмуд «АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ги қонуннинг 58 моддасига асосан жамиятнинг йирик акциядори вакили Сулайманов Абдусаломни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Дехконов Баҳромни йиғилиш қотиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан жамият акциядори вакили Сулайманов Абдусаломни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Дехконов Баҳром йиғилиш қотиби этиб сайланди:

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Абдусалом Сулайманов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Дехконов Бахромга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2025 йил 12 июнь ҳолатига шакллантирилган “Бахт пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 306 та акциядорга тегишли 241 212 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 125 124 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган жами 1 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,87 фоизни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли кворумга эга ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

М.С. Джўраев– жамият бош директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Абдусалом Сулайманов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. 2024 йил якуни бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2024 йил якуний бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Ташқи аудиторининг 2024 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботи ва қарорларини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган соф фойда, зарарни тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Қонунчиликда белгиланган, даъво муддати ўтган дебитор, кредитор қарздорликлар ва зарарларни ҳисобдан чиқариш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.
11. “Барқарор баҳолаш” МЧЖнинг “Бахт пахта тозалаш” АЖга тегишли бўлган товар моддий бойликларини, бозор қийматини аниқлаш бўйича 2025 йил 22 апрелдаги НВ-154/2025-сонли баҳолаш ҳисоботини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги ПФ-70-сонли фармонига асосан “Е-AUKSION” электрон савдо платформасига моддий товар бойликларини баҳоланган қийматда уларнинг бошланғич баҳоланган баҳосидан 50 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилган ҳолда тўловларини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан савдоларга чиқариш, электрон савдо платформасида сотилмаган тақдирда тўғридан-тўғри шартнома асосида баҳоланган қийматда кластер корхонасига сотиш чораларини кўриш.

**12. Фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган, маънан эскирган, носоз ва яроқсиз, эскириш қиймати юқори бўлган, ҳамда қолдиқ баланс қиймати 0 га тенг бўлган мулкларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш.**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Абдусалом Сулайманов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 12 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2025 йил 17 майдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Б.Дехқонов, бош ҳисобчи ўринбосари З.Калмурзина ва иш ҳақи ҳисобчиси; Р. Пардаева номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Б.Дехқонов.

2) З.Калмурзина;

3) Р.Пардаева;

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** жамият ижроия органи раҳбари М.Джўраев сўзга чиқиб йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг 2024 йил якуни кўрсаткичларини бажарилиши бўйича йиллик ҳисобот билан таништирди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Сулайманов акциядорлардан бош директорнинг 2024 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини

маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2024 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин.

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари бўйича, жамият бош ҳисобчи ўринбосари З.Калмурзина сўзга чиқиб йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари билан таништирди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Сулайманов акциядорлардан жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият 2024 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини қониқарли деб топилсин ва ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2025 йил 08 майда берилган аудиторлик текшируви хулосаси билан жамият бош директори М.Джўраев йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

«GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасида “Бахт пахта тозалаш” АЖнинг 2024 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттирилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келиши тўғрисида хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 08 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг текшируви хулосасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги туртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1.«GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 08 майда берилган аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** жамиятнинг бош директори М.Джўраев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботни ўқиб эшиттирди.

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз ; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** – йиғилишда раислик қилувчи сўзни жамиятнинг бош директори М.Джўраевга берди.

М.Джўраев йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича йиғилиш иштирокчиларига 2022 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги №747-сонли қарори ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106 сонли қарорига асосан пахта қабул қилиш масканлари, пахтани қайта ишлаш ва уруглик чигит цехлари, корхона мол мулклари баҳоланган қийматда кластер ҳамда пахта уруғчилиги бошқармасига сотилганлиги муносабати билан корхона 2024 йил хисобида ишлаб чиқариш фаолияти юритилмаганлиги сабабли 2024 йил якуни бўйича 379 464,0 минг сўм зарар кўрилганлиги хақида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи корхона 2024 йил якуни бўйича 379 464,0 минг сўм зарар кўрилганлиги сабабли корхонанинг оддий акциялари учун дивидент тўланмаслиги, лекин “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига кўра имтиёзли акция эгалари жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар дивидент олишга ҳақли. Уставга кўра 2024 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдориди (акциянинг номинал қиймати  $4\,900\text{ сўм} * 15\% = 735\text{ сўмдан} * 3072\text{ дона}$ ) жами 2 257 920 сўм жамиятнинг захира фондидан жамият томонидан чиқарилган 3072 дона имтиёзли акцияларга дивиденд тўловига йўналтириш кераклигини айтиб, жамиятнинг захира фондидан имтиёзли акциялар учун дивидент тўлаш таклифини берди.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият томонидан 2024 йил якуни бўйича 379 464,0 минг сўм зарар билан яқунланганлиги эътироф этилсин.

- 2 257 920 сўм (1 дона имтиёзли акцияга 735 сўм) жамиятнинг имтиёзли акциялари учун жамиятнинг захира фондидан дивиденд тўловига йўналтирилсин.

2. Дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кун ичида тўлансин.

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 16 июнь 2025 йил.

- дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 16 август 2025 йил.

3. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамият бош директори М.Джўраевнинг ваколати тугаганлиги ҳамда бошқарув фаолиятига эътирози йўқлигини билдириб жамият бош директори лавозимида М.Джўраевнинг ўзини қолдириш ва меҳнат шартномасини жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача узайтириш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият бош директори Джўраев Махмуд Сидиқжанович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2025 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Джўраев Махмуд Сидиқжанович билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2025 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатов кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори М.С.Джўраевга.

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** М.Джўраев йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича жамиятда 2025 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифи мавжуд:

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожат санаси ва рақами	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	«GREAT FOURS» МЧЖ	2025 йил 21 апрел	5000, 0	0
2	«ZAMIN OIL-AUDIT» МЧЖ	2025 йил 25 май	5000,0	0

Жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга эга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини инобатга олиб 2025 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини тузилган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича тақдим этилган бюллетенга асосан қуйидагича.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	“Ёқлаганлар”	“Қаршилар”	“Бетараф”
1	«GREAT FOURS» МЧЖ – миллий стандарт бўйича – 5 000,0 минг сўм,	125 124	0	0

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. 2025 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 5 000,0 минг сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда ҳулосаларни киритсин.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича**– йиғилиш раиси сўзга чиқиб «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши аъзолари 3 йил муддатга сайланиши ва кузатув кенгаши аъзолари ўтган йилги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида сайланганлиги муносабати билан қайта сайланмаслиги тўғрисида маълумот берди ва ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар тасдиқлансин:**

1. Сулаймонов Абдусалом Султонович– “Сирдарёпахтасаноат” ХАБ.
2. Қучқаров Тохир Мўминджанович– “Ўзпахтасаноат”АЖ
3. Лолаев Жаҳонгир Раҳматович– “Ўзпахтасаноат”АЖ
4. Нормирзаев Рустам Абдумуталович–Давлат активларини бошқариш агентлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси
5. Ходжаев Шавкат Раҳматуллаевич-акциядор;

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича** М.Джўраев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик, кредиторлик қарздорликларини ва зарарларни ҳисобдан чиқариш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш кераклиги тўғрисида маълумот берди. Акциядорлар мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” –125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ ; “Бетарафлар”- йўқ .

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик, кредиторлик қарздорликлари ва зарарлар ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** М.Джўраев сўзга чиқиб, корхона омборидаги товар моддий бойликлар бир нечбор “Е-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқарилганлиги, лекин сотилмаганлиги тўғрисида маълумот

берди. 01.04.2025 йил ҳолатига корхона омборидаги товар моддий бойликлар “Барқарор баҳолаш” МЧЖ томонидан бозор қийматини аниқлаш бўйича 2025 йил 22 апрелдаги НВ-154/2025-сонли баҳолаш ҳисоботи тақдим этилган. Тақдим этилган баҳолаш ҳисоботни тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги ПФ-70-сонли фармониغا асосан “E-AUKSION” электрон савдо платформасига моддий товар бойликларини баҳоланган қийматда уларнинг бошланғич баҳоланган баҳосидан 50 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилган ҳолда тўловларини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан савдоларга чиқариш, электрон савдо платформасида сотилмаган тақдирда тўғридан-тўғри шартнома асосида баҳоланган қийматда кластер корхонасига сотиш чораларини кўриш таклифи берилган.

Акциядорлар ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”- йўқ;**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. 01.04.2025 йил ҳолатига корхона омборидаги товар моддий бойликлар “Барқарор баҳолаш” МЧЖ томонидан бозор қийматини аниқлаш бўйича 2025 йил 22 апрелдаги НВ-154/2025-сонли баҳолаш ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги ПФ-70-сонли фармониغا асосан “E-AUKSION” электрон савдо платформасига товар моддий бойликларни баҳоланган қийматда уларнинг бошланғич баҳоланган баҳосидан 50 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилган ҳолда тўловларини уч йилга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан савдога чиқарилсин.

3. Корхона омборидаги товар моддий бойликлар “E-AUKSION” электрон савдо платформасида сотилмаган тақдирда тўғридан-тўғри, шартнома асосида, баҳоланган қийматда, тўловларини уч йилга бўлиб тўлаш шарти билан, кластер корхонасига сотиш чораларини кўрилсин.


4. Омборидаги товар моддий бойликлар “E-AUKSION” электрон савдо платформасида баҳоланган баҳосидан 50 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилган ҳолда сотилганда ва баҳолаш ҳисоботидаги баҳоланган баҳоси ҳамда баланс қиймати орасидаги фарқлар корхона зарарига оборилсин.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича** жамият ижроия органи раҳбари М.Джўраев сўзга чиқиб йиғилиш иштирокчиларига корхонада бугунги кунда фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган, маънан эскирган, носоз ва яроқсиз, эскириш қиймати юқори бўлган мулклар борлигини такидлаб ушбу мулкларнинг айримларини нома-ном санаб ўтди ва уларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш таклифи берилди. Акциядорлар ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 125 124 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.



Кун тартибидаги масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятда бугунги кунда фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган, маънан эскирган, носоз ва яроксиз, эскириш қиймати юқори бўлган мулклар ҳамда ТГК-2 ва яроксиз 4 та трактор, яни ТТЗ-80.10 давлат рақами (20DA 373), ТТЗ-80.10 давлат рақами (20DA 375), ТТЗ-80.10 давлат рақами (20DA 376), ТТЗ-80.10 давлат рақами (20DA 377) тракторлар, 10 та тиркама 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 782), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 783), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 784), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 785), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 786), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 787), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 788), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 791), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 792), 2ПТС-4-793 давлат рақами (20BA 795) бўлган тиркамалар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йиғилишда раислик қилувчи:**

**“Сирдарёпахтасаноат” ХАБнинг**

**ишончли вакили**

**А.Сулайманов**

**Йиғилиш котиби:**

**Б.Дехқонов**

Йиғилиш баённомаси 2025 йил 16 июн куни икки нусхада тузилди